



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚЎШМА БАЁНОТИ**

Маълумки, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан кўплаб соҳалар қаторида фуқароларнинг ахборотни эркин излаш ва олишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш соҳасида ҳам катта ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, олий ва ўрта махсус таълим тизимида қабул жараёнлари ва олий ва профессионал таълим жараёнлари рақамлаштирилди, коррупцияга қарши курашиш борасида жамоатчилик ва аҳоли билан доимий алоқа қилиш тизими ва кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда шаффоф тизим яратилди. Шу билан бир қаторда, тизимда молиявий маблағларни ўзлаштириш ва талон-тарож қилишга қарши курашиш ҳамда давлат харидлари соҳасидаги мониторинг ишлари тизимли ташкил этилди.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш мақсадида 2021 йилнинг 16 июнида давлатимиз раҳбарининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ, олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига кириш учун тест ва ижодий (касбий) имтиҳонлар, олий таълим муассасаларининг магистратура (клиник ординатура) босқичига қабул ва бошқа бир қатор имтиҳонларни ўтказиш жараёнини Интернет тармоғида жонли эфирга узатиш тартиби белгиланди.

Шу мақсадда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2022/2023 ўқув йили қабули доирасида имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғида жонли эфирга

узатишни таъминлайдиган, барча фойдаланувчилар учун очиқ бўлган «imtihon.edu.uz» веб-платформаси ишга туширилди.

Жорий йилнинг 1-10-август кунлари 46 та ОТМда ижодий имтиҳонлар бўлиб ўтади.


Ўз навбатида, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги 2022/2023 ўқув йили учун ўтказиладиган имтиҳон жараёнларининг очиқ ва шаффоф ташкил этилиши, тест ва ижодий имтиҳонларнинг Интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилиши сифатини мониторинг қилиб боради.

Агентлик вакиллари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими масъул ходимлари иштирокида имтиҳон ўтказиладиган бино ва майдонларда доимий ўрганишлар ўтказиб борадилар.

Агар имтиҳон жараёнларида коррупциявий ҳолатлар ёки Интернет тармоғида жонли эфирга узатиш тартибига риоя этилмаслик ҳолатларига дуч келсангиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Телеграм ижтимоий тармоғидаги **@EduAntiCorruptionBot** га ёки Ишонч рақамига – 1006 қўнғироқ қилишингиз сўралади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРИ




ТОШКУЛОВ АБДУКОДИР
ҲАМИДОВИЧ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ
ДИРЕКТОРИ




БУРХАНОВ АКМАЛ
ЭШОНДЕДАЕВИЧ